



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

2010 йил

12 май

№ 37
(12.257)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

2010 йил – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

ТАДБИР

ЎЗ ТААССУРОТИ
ЙИЛГА ТАТИСИН

Вилотимизнинг стационар ва кундузги оромгоҳларида бу йил ёзда жами 25 минг 540 нафар болани соғомлаштириш ва дам олириш режалаштирилган. Ушбу мавсум кўнгилдагидек ўтиши учун ҳамма нарсаси шайми, шарт-шароит етарлими? Болаларни соғомлаштириш ва дам олириш бўйича вилот комиссиясининг йиғилиши айнан шу масалага бағишланди. Унда доимий комиссия аъзолари, ҳокимликнинг тегишли бўлим, бошқарма ва ташкилотлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари, ҳудудий табиёт бирлашмалари раҳбарлари қатнашдилар.

Йиғилиши вилот ҳокими ўринбосари Соҳиб Абдуллаев бошқарди.

Кун тартибидagi бош масала юзасидан сўзга чиққан вилот қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси Муҳайё Тўлаганова йиғилганлар эътиборини ўтган йилги мавсум якунлари ва навбатдаги вазифалар ижроси таҳлилига қаратди. Ўтган мавсум вилотдаги жами 118 та оромгоҳ, шу жумладан 13 та шаҳардан ташқари болалар соғомлаштириш масканларида 25 минг 546 нафар бола ёзни кўнгилли ўтказди. Улар учун барча шарт-шароитларни бекам қўст яратиш беришга ҳаракат қилинди. Лекин, шунга қарамай, баъзи камчилик ва муаммолар ҳам қайд қилиндики, бу оромгоҳларни мавсумга тайёрлашда айрим ҳўжалик идоралари ва қасаба уюшмаларининг масъулиятсизлиги, масалага юзак ёндошганлигидан далолат беради. Хусусан, ўтган мавсум ўтказилган текширувларда айрим оромгоҳларда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тарбиявий ишларни олиб бориш, санитария қоидаларига риоя қилиш, табиий хизматни ташкил этиш, ёнги хавфсизлиги анжомларига эътибор масалаларида жузъий бўлсада, камчиликлар мавжудлиги қайд этилди. Оромгоҳларнинг айримлари тўла қувватда

ишламагани ҳолда, баъзилари меъёрдан ортиқ бола қабул қилди. Йиғилишда мазкур камчиликларнинг бу йилги мавсумда такрорланмаслиги, болаларни қабул қилиб олишга пухта ҳозирлик қилиш, оромгоҳларни таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини шу кунларда тўлиқ якунлаш лозимлиги қайд этилиб, мутасаддиларга аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Комиссия аъзолари ёзги соғомлаштириш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, энергия, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш, болаларнинг сифатли овқатланиш тизимини тўғри йўлга қўйиш, тез табиий ёрдам даражасини яхшилаш, бунинг учун малакали ходимларни жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Мавсумда тарбиячилардан тортиб, корхона ва муассасалар раҳбарлари олдида масъулиятли вазифалар турганлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, болалар оромгоҳларида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, йўл ҳаракати, ёнги хавфсизлигини сақлаш чора-тадбирлари ҳам алоҳида муҳокама қилинди.

Йиғилишда қўрилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.



САМОЛАРДА АКС ЭТГАН ҲАВАС

Пойтахтнинг Бобур номидаги истироҳат боғида ўқувчи-ёшлар ўртасида ракета, самолёт, кема ва автомобилчилик бўйича шаҳар мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Янгийўл шаҳри жамоаси ҳам иштирок этди.

Мусобақа ташкилотчилари – Тошкент ўқувчилар техник иходиёти маркази моделчилик билан шуғулланувчи ёшларнинг ўз маҳоратларини эмин-эркин намойиш этишлари, кўп минг сонли муҳлисларнинг эса қизиқарилиб баҳсларни мириқиб томоша қилишлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга астой-

дил ҳаракат қилгани бутун мусобақа давомида яққол сезилиб турди.

Аввалига турли русумдаги ракеталар юксакларга кўтарилиб, ҳавода бир неча бўлақларга бўлиниб, пировардда асосий қисмлари белгиланган жойга парашюта қўнди. Сўнг ердан бошқариладиган самолётлар парвози бошланди.

Тадбир чоғида боғдаги фавворалар "денгиз"га айланиб, турли-туман кемалар ажойиб ҳаракатлари билан томошабинларни лол қолдирди. Хуллас, қизиқарли томошалар вилотимиз вакиллари билан муваффақиятлари билан қувончли якун топди. Янгийўлликлар ракетамодель спорти бўйича фахрли иккинчи ўринни эгалладилар.

Еркебой БОТИРОВ
олган сурат.

Абдузхур
ҚОРАБОВ.

ЖИЛОВНИ ТЎҒРИ ТУТ, ИНСОН

Вилот табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси республика Миллий матбуот марказида "Табиатни асраш – инсонни асраш" мавзусида матбуот анжумани ташкил этди.

Унда республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассислари, тегишли олий ўқув юртлири ўқитувчилари, Тошкент шаҳар ва вилот халқ ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари вакиллари ва журналистлар иштирок этди.

Бугунги кунда табиат ва инсон ўртасидаги номуносиб муносабатлар дунё миқёсидаги муаммага айланди. Чунки экологик ҳолатнинг бўзилиши – тупроқ, ҳаво, сувнинг турли зарарли моддалар билан ифлосланиши ўсимлик ва ҳайвонларнинг

қўллаб қўйиладиган турлари камайиб кетишига олиб келди. Шу боис атроф-муҳитни асраш битта миллат ёхуд битта мамлакатнинг эмас, балки умумсаъравий ва умуминсоний масалага айланиб улгурди.

Экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилган лойиҳалар амалга оширилмоқда, – дейди вилот табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Холтўра Сувонов. – Атроф-муҳит муҳофазаси ва вилот ҳудудидаги санатор корхоналари фаолиятини экологик мусаффоликка йўналтирувчи

лойиҳалар яхши натижа бермоқда. Йирик санатор корхоналарида чиқиндиларни кескин камайитирадиган ускуналар ўрнатилди. Натижада минглаб тонна захарли моддаларни қайта ишлаш йўлга қўйилди. Бошқача айтганда, корхоналарда чиқиндисиз ишлаш технологияси кенг жорий этилмоқда.

Атроф-муҳит мусаффолиги инсон саломатлигига бевосита боғлиқлигини кенг оммага етказиш мақсадида вилот табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси оммавий ахборот воситалари орқали доимий чиқишлар билан бирга экологияга оид китоблар нашр этишга ҳам алоҳида аҳамият берапти.

Нигора БОБОҚУЛОВА.

ДАРВОҚЕ

ДЕПУТАТГА САБОҚ
КЕРАКМИ?

Ҳозирги пайтда халқ депутатлари вилот, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари электорат огирини енгил қилиш, жойларда зуллик билан ҳал қилиниш лозим бўлган муаммоларга ечим топиш учун ўз ваколатларидан тўла фойдаланишяптими? Умуман, улар ўз ҳуқуқ ва ваколатларини тўлиқ билишадими? Депутатлик сўровларини бериш ҳамда доимий комиссиялар фаолияти тамойиллари ҳақидаги тушунчалари етарлими?

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилот филиалининг ахборот-таҳлил маркази халқ депутатлари вилот Кенгаши билан ҳамкорликда "Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида маҳаллий вакиллик органлари депутатлари ҳуқуқий маданиятини янада ошириш масалалари" мавзусида ташкил этилган минтақавий ўқув-семинарда шу саволларга ургу берилди. Янгийўл туман ҳокимлигида ўтказилган минтақавий ўқув семинари шу туркумдаги доимий машғулотларнинг биринчиси бўлди.

Унда халқ депутатлари вилот кенгашига Чиноз, Қуйичирчиқ, Оққўрғон, Янгийўл туманларидан ва Янгийўл шаҳридан сайланган депутатлар ҳамда маҳаллий кенгашларнинг доимий комиссиялари раис ва ўринбосарлари иштирок этишди.

Машғулот иштирокчилари "Халқ депутатлари вилот, туман ва шаҳар кенгаши депутатларининг мақоми", "Доимий комиссияларнинг устувор вазифалари", "Депутатлар фаолияти билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартиби" каби мавзуларда маърузалар тинглашди. Минтақавий семинарнинг амалий қисмида депутатлар 5 та гуруҳга бўлиниб, интерфаол усулда машғулот олиб боришди. Пировардда ҳар бир

гуруҳ ўз ҳудудларидаги устувор ижтимоий-иқтисодий вазифалар ҳамда депутатлик фаолиятида эътибор берилиши керак бўлган масалалар, депутатлик сўровларини тайёрлаш, жўнатиш ва назорат ўрнатиш бўйича тақдимот ўтказишди. Тақдимот натижалари асосида тегишли давлат идоралари учун тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Энг муҳими, депутатлар ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Депутатларнинг машғулотлар жараёнидаги хатти-ҳаракатларини кузатиб, шунга амин бўлиш мумкинки, бундай ўқув-семинарларни тез-тез ва барча ҳудудларда ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, улар депутатларнинг ҳуқуқий маданиятини ва саводхонлигини ошириш билан бирга, уларнинг ташаббускорлиги ва ҳушёрлигини кучайтиришга хизмат қилади. Афсуски, семинарнинг бу фойдали жиҳатларидан ҳамма ҳам фойдаланишга интилямаётганга ўхшайди. Негаки, семинарда Янгийўл туманидан 16 ўрнига 11, Янгийўл шаҳридан 14 ўрнига 5, Оққўрғон туманидан 14 ўрнига 4, Чиноздан 6, Қуйичирчиқдан эса бор-йўғи 1 депутат қатнашганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Саид АСКАРОВ.

МУНОСИБ ВОРИСЛАР
ЭЪЗОЗИДАСИЗ

9 май – Хотира ва қадрлаш куни вилотимиз шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб тантанали нишонланди

Сўнгги кунларда халқимиз ҳаётида ва Ватанимиз тарихидаги энг фожиали йиллар – Иккинчи жаҳон уруши ишларини таъсирда яшаб, ўша омонсиз жангларда ва унинг ортидаги оғир меҳнат майдонларида жасорат кўрсатган бобо-момоларимиз, ота-оналаримизни ёдга олдик, турли синовларни енгиб ўтиб, бугун

орамизда яшаётган, бой турмуш тахрибасини мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, баркамол янги авлод тарбиясига хизмат қилдираётган уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатдик. Ўша машғулот уруш йилларида бу авлоднинг зиммасига қандай синовлар тушганини Зангиота туманида яшовчи Самиг ота

Одиллов шундай таърифлайди:

– Бир кунда қишлоғимиздан 22 йигит фронтга сафарбар қилинганми. Шулардан фақат тўрт кишигина турли даражадаги жароҳатлар билан юртимизга қайтиб келишга насиб этди. Мен бугунги тинч ҳаётимиз, хотиржамликда ўтаётган кунларимиз учун шукроналар айтаман.

Вилотимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кексаю ёш Хотира ва қадрлаш кунини шундай шукроналар билан нишонлади. Байрам тантаналари вилот Мазнавият ва маърифат марказидаги эҳтиром тадбири билан бошланди. Шаҳар ва туманлардан йиғилган уруш қатнашчиларини вилот ҳокими Рустам Холматов, "Нуроний" жамғармаси вилот кенгашининг раиси Нўмонжон Насимов қизгин қутлашди. Фахрийларга юбилей медаллари ва пул мукофотлари топширилди.

Шундай ҳаяжонли учрашув ва йиғилишлар Чирчиқ, Бекобод, Ангрен, Олмалик, Янгийўл шаҳарлари, барча туманларда ҳам бўлиб ўтди. Чунки, Зангиота туманида Хотира ва қадрлаш куни Зангиота зиёратгоҳида яқинда бахарилаб қайта тиклаш, катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари билан танишишдан бошланди. Уруш ва меҳнат фахрийлари шу қишлоқ марказидаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Меҳнат фахрийси Ёқубжон Тўробов ўз изтироб ва ҳаяжонини шундай ифодалайди:

(Давоми 2-бетда).

Қирбай молия-иқтисодиёт коллежида ёшлар молия, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, ҳўжалик ҳуқуқий фаолияти, информатика, солиқ ва солиққа тортиш ҳамда банк иши йўналишлари бўйича таҳсил олишмоқда.

КОЛЛЕЖДА
АЪЛОЧИЛАР КЎП

Фан, лаборатория ва амалиёт хоналарида тўлиқ шароит яратилган. Интернет тармоғига уланган ва катта китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази, янги анжомларга эга спорт зали ўқувчиларнинг жиҳмондан ҳамда маънави баркамол бўлиб етишишлари учун хизмат қилмоқда.

Ҳафтанинг ҳар жумаси маънавият кўни ҳисобланади. – Барча ўқув гуруҳларида ўтказиладиган бундай соатларда, шунингдек турли маънавий-маърифий тадбирларда республика Президентининг "Юсак маънавият – енгилмас куч", "Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш" каби асарларини ўрганишга, терроризм, диний ақиданараслик, гиёҳвандликка қарши кураш мавзусида

ўтказиладиган дарах суҳбатлари катта эътибор берилади, – дейди коллеж директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Мирзохид Комилов. – Ўқувчилар дарсдан ташқари вақтда тўғрақарлар, маънавий-маърифий тадбирлар, спорт машғулотларига кенг жалб қилинади.

Ўқув юртида ташкил этилган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич таъкилотли ёшлар ўртасида турли танловлар, фестиваллар, мулоқотлар, Тошкент шаҳрининг маънавий-маърифий масканларига зиёратлар уюштириш каби тадбирларлар ўқувчиларнинг ташаббуси ва тақлифлари асосида ўтказмоқда.

Мухлиса МУҲИТДИНОВА.

НАВҚИРОН ЮРТДОШЛАР ҲУЗУРИДА

ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Тошкент Давлат аграр университети қошидаги Қирбай академик лицейида Баркамол авлод йилига бағишлаб "Ёшлар ҳуқуқий маданияти – давр талаби" мавзусида семинар ташкил этилди. Унда вилот хотин-қизлар қўмитаси ва вилот ички ишлар бошқармаси вакиллари, академик лицей ўқувчилари ва ўқувчилари иштирок этишди.

Тадбир ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, улар иш-тироқидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш мақсадида уюштирилди.

Унда академик лицейнинг 16 ёшга тўлган ўқувчиларига тантанали равишда фуқаролик паспортлари топширилиб, ундан фойдаланиш тартиби тушунтирилди.

Семинар сўнггида одам савдоси ва унга қарши кураш мавзусидаги фильм ва "Ёшлар соғлом турмуш тарзи тарафдори" мавзусидаги плакатлар кўргазмаси намойиш этилди.

Тадбирда вилот ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиёва иштирок этди.

Нигина БОБОЕВА.



МУНОСИБ ВОРИСЛАР ЭЪЗОЗИДАСИЗ

— Дадам фронтга олинганларидан кейин биз — уч гўдак Уғилой онамиз бағриларида қолдик. Онамиз оғир меҳнатларга бардош бериб, бизни катта қилди-лар, бир умр урушда бе-дарак кетган Туробкори отамиз дарди билан яшаб ўтидилар. Уша фо-жиали кўнлар бизнинг чекимизга тушди, фар-зандларимиз асло кўришмасин.

Байрам тadbирлари Хонобод қишлоғига ки-раверишда янгигина қурилган тантаналар са-ройида давом этди.

Бугун туманимизда 42 уруш қатнашчиси яшаб турибди, — деди тантананда сўзга чиққан "Нуроний" жамғармаси Зангиота туман кенгаши раиси Мирза Аҳмедов. — Улар алоҳида эътиборда. Юртбошимиз ташаббус-лари билан энг қутлуг байрам сифатида ҳаёти-мизга сингиб кетган Хо-тира ва қадрлаш кўни

(Давоми. Боши 1-бетда).

арафасида бу азиз ин-сонларнинг ҳар бирининг турмуши билан таниш-дик, ҳурмат-эҳтиром кўрсатдик.

Шу кўни таниқли санъ-аткорлар, халқ бадийи ҳаваскорлик ансамбл-лари иштирокчилари, мак-таб ўқувчилари ўз чи-қишлари билан табаррук отахон ва онахонларни хушнуд этишди. 75-80 ёшли кексалар ҳам бўш келишмади. Улар шўх-шўх рақсларга тушишди, кўшиқлар ижро этишди.

Хотира ва қадрлаш кўни ҳамма ерда кекса авлодга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди, ҳарбийлаш-ган синф ўқувчиларининг янги авлод номидан ота-лар жасорати садоқат кўрсатиш, она-Ватани-миз — мустақил Ўзбеки-стонни ҳар жиҳатдан мус-тақамлаш, эл-юрт хиз-матида ҳамиша хушёр турши ҳақидаги қасам-ди янграб, тантана иш-тирокчиларига ўзгача руҳ бағишлади.

Жўрабек МУРОДОВ.



«АРОСАТ» ИБРАТИ

Вилоят ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимо-ий ҳаракати вилоят кенга-ши, ўрта махсус, касб-хўна-р таълими ва Ўрта-чирчиқ туман ички ишлар бўлимлари ҳамда "Адо-лат" социал-демократик партияси ҳамкорлигида тумандаги қишлоқ хўжа-лиги касб-хўна-р коллежи-да "Баркамол авлод — ке-лажак пойдевори" мавзу-сида давра суҳбати ўтқа-зилди.

Тadbирда ёшларга бизнинг юртимиздаги ҳа-лиқ эътибор ҳеч қайси мамлакатда йўқлиги, оила ҳар қандай жамият-нинг ижтимоий бўғини ҳисоблангани, ОИТС ка-саллигининг олдини олиш чора-tadbирлари ишлаб чиқилганлиги ху-су-сида мунозара юритилди.

Тadbир сўнгидеги ишти-рокчилар учун "Аросат" бадий фильми намойиш этилди.

ИСТЕЪДОД НАМОЙИШИ

Вилоят туманлари бўйича ёш истеъодларни излаб топиш, энг иқти-дорларни "Ниҳол" му-кофотининг республика босқичига тайёрлаш ва уларни халқимизга та-ништириш мақсадида ви-лоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамма Тошкент тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида мазкур мусобақанинг ҳудудлараро саралаш босқичи ўтказилди.

Унда Янгийўл шаҳри, Зангиота, Чиноз, Тош-кент, Қибрай ва Ян-гийўл туманлари ёш-лари танловининг вилоят босқичига чиқиш учун мусика ижрочилиги, муш-тоз кўшиқ, рақс, опера ҳамда эстрада йўналишлари бўйича ўз истеъодларини намо-йиш этишди.

Тadbир сўнгидеги кўргазма ташкил эти-либ, Чувалачи қишлоқ клуби мудираси, рас-сом Манзура Тожие-ваннинг расмлари, 3-қишлоқ маданият уйи қошидаги тўқувчилик гуруҳи раҳбари Нигора Хайитметова тўқиган қийим-кечаклар, 5-мак-табга таълим муассас-сиси раҳбари Муниса Тошматова бисер усу-лида ясаган гуллар намойиш этилди.

Шавкат ХАЛИЛОВ.

ТАЪЛИМ

Паркент туманида мактабларнинг моддий-техник базасини мустақамлаш, таълим савиясини ўсказтиришга жиҳдий эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили 3 та янги мактаб қурилди. 15 та мак-таб капитал реконструкция қилиниб, 20 таси мукаммал ва 4 таси жорий таъмирланди. Ҳозир 36-мактаб янгидан қурилмоқда. Дастурга киритил-ган барча мактабларга ўқув-лаборатория жиҳоз-лари етказиб берилди.

— Модомики шундай экан, давлат томонидан кўрсатилган ёрдам ва гамхўрликларга муносиб амалий жавоб ҳам бўлиши лозим, — дейди туман халқ таълими бўлими мудир Мухомиддин Хасанов. — Ўқитувчилар меҳнати са-мараси фанлар бўйича ўтказилган олимпиада-ларда намойи бўлади. Шу сабаб фан олимпиадала-рини юқори савияда ўтқа-зишга ҳаракат қилмоқда-миз.

Фанлар бўйича олимпиа-данинг туман босқичида 48 та умумтаълим макта-бининг 4500 дан зиёд 9 ва 11-синф ўқувчилари иштирок этди. Улардан 69 нафари олимпиаданинг вилоят босқичига йўлан-ма олди. Баҳорги таътил даврида вилоят олимпиа-дасида 1-мактабнинг 9-синф ўқувчилари Ситора Жаҳонгирова тарих, Шоҳ-рух Аҳмедов география, 5-мактаб ўқувчиси Муаттар Жаҳонов ва Ҳамма Но-дирбек Маҳмадов математика фанларидан 1-ўрин-ни қўлга киритишди, устозлари юзини ёруғ қилишди. 30-мактаб ўқу-вчиси Хумора Юсупова она тили, 34-мактаб вакили Дилдора Тожиева иқти-сод, 40-мактабдан Но-ди-

ШАРОИТ БИР, НАТИЖА ЭСА...

ра Абдуҳамидова француз тили фанидан юқори би-лимга эга эканлигини намо-йиш этишди. 1-мак-табнинг 11-синф ўқувчиси Гўзал Ёқубова инглиз тили бўйича 1-ўрин соҳиб бўлди.

5-мактаб ўқувчилари эришган натижаларга ҳавас қилса арзийди. Мадина Аб-дуллаева она тили, Мирво-ҳид Хурсанов француз тили, Шаҳзод Рискитов физика фанидан 1-ўринни эгаллади. 20-мактаб ўқу-вчиси Нодира Тошпўлатова эса давлат тили фанидан 1-ўринни қўлга киритди.

— Мактабимизда таълим олиш учун барча шароит-лар яратилган, — дейди 34-

умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Дилдора Тожиева. — Кимё, физи-ка хоналаримиз ҳавас қиларли даражада ўқув жи-ҳозлари билан таъминлан-ган. Спорт залимизда эса, исталган тур билан бема-лол шуғулланиш мумкин. Ўзим иқтисод фанига қизиқганим учун яқинда бўлиб ўтган вилоят олимпиа-дасида қатнашдим. Ус-тозим Сайёра Жўраевдан

натижаларга эриша олма-яптилар.

— Ҳақли савол туғила-ди, — дея фикрини давом эттирди М. Хасанов. — Ҳамма мактабларда ўқи-тувчилар бир хил маош оладилар. Қўлай шарт-шароитга эга бўлган илм-фан даргоҳларида дарс берадилар. Шундай экан, нега айрим мактабларнинг ўқувчилари юқори натижа-ларга эришолмаяпти? Баъзи ўқитувчиларнинг билими саёз ёки ўзидаги бор билимининг ўқувчига ет-казиб беролмайди. Ай-римларида педагогик ма-ҳорат етишмайди. Таълим муассасаси раҳбарлари эса талабчанлик қилма-дилар. Қатор йиллардан буён ўқитувчиларнинг ав-густ кенгашиларида кетма-кет танқид қилинишдан тўғри хулоса чиқармаган раҳбар фаолиятига қандай баҳо бериш мумкин? Ўйлаймизки, кейинги са-фар "галвир сувдан кўта-рилгунча" танқид қилинган мактаб раҳбарлари тегиш-ли хулоса чиқариб олади-лар.

Умуман олганда, ушма-ва ширкатлар фаолиятида қадрлар масаласи катта му-аммо. Кўп ширкатларнинг раислари тасодифий одам-лар. Соҳадан беҳабар киши-ларнинг ширкат раислигига сайланаётгани ажабланарли ҳол. Ахир бундай раҳбардан нима ҳам кутса бўларди? — Вазирлар Маҳмадасининг "Ўй-жой мулкдорлари ширкатининг намунавий у-ставини ҳамда хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкати билан кўп хонадонли ўй-жой тураржойга мўлжаллан-маган бино мулкдорлари ўртасидаги намунавий шартномани тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига асо-сан, — дейди вилоят ўй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раиси вазифаси-ни бажарувчи Жуманиёв Ра-ҳимов, — ширкатларнинг ишини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижо-рат банклари имтиёзли кре-дитлар беришлари керак. Лекин шу кунгача бирорта банкдан бундай кредит олишнинг имкони бўлмади.

Хуршида НАЗАРОВА.

Туман халқ таълими бўлими олимпиада яку-нларида кўра ўқитувчилар ва ўқувчилар меҳнатини муносиб баҳолашга қарор қилди. Ўқувчиси вилоят олимпиадасида 1-ўринни эгаллаган фан ўқитувчи-си ва мактаб директори-га 2 ойлик маош, 2-ўрин учун 1,5 ойлик маош, 3-ўрин учун 1 ойлик маош миқдорида мукофот пули берилади. Шунингдек, олимпиадада қўлиб чиқ-қан ўқувчиларга, улар таълим олаётган мактаб директорига фахрий ёрлик ва қимматбаҳо сов-ғалар топширилади.

Хуршида НАЗАРОВА.

ЎЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИ

АЛИНИНГ ИШИНИ ВАЛИ ҚИЛМАЯПТИМИ?

Салималарнинг оиласи кўп қаватли ўйга қўчиб ўтган-ю, боши галвадан чиқмай қолди. Ҳали ертўлага сув тошиб кетса, ҳали томдан чакка ўтали. Устига-устак кўпинча электр, газ, сув бўлмади. Кимга дардини айтишни билмай қолди. Ўй-жой мулкдорлари ширкатида эса раис тугул тайинли одам ҳам йўқ. Ҳокимиятга борай деса, уларнинг бундан ҳам бошқа ташвишлари кўп. Охири вилоят ўй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмасига му-рожаат қилгач, унинг ташвишларига чек қўйилди.

Ташкил этилганга сал-кам 4 йил бўлаётган уюш-мага мана шундай ва бошқа мазмундаги муносабатлар қўллаб бўлиб туради. Шу боис биз уюшманинг бугун-ги фаолияти билан қизиқиб кўрдик.

Ҳозир вилоятдаги 432 та хусусий ўй-жой мулкдор-лари ширкатлари 3947 та кўп қаватли ўй ва 127734 та хо-надонга хизмат кўрсатмоқ-да. Шунингдек, 38 та бош-қарув-сервис хизмати ва 22 та авария-диспетчерлик пунктлари ташкил этилди. Ушма ва шаҳар ва туманлар-да хусусий ўй-жой мулкдор-лари ширкатлари ва уюш-маларининг иш фаолиятини мувофиқлаштириш ва амалий ёрдам кўрсатиш, янги хизмат кўрсатиш турларини ташкил этиш билан машғул. Вазирлар Маҳмадасининг "Хусусий ўй-жой мулкдор-лари ширкатларини янада ривожлантириш ва турар-жойларга хизматлар кўрса-тишнинг аниқ бозорини шакллантириш чора-tadbирлари тўғрисида"ги қаро-рига асосан хонадонлар сони 250 дан ортиқ бўлма-ган биттадан бештагача ўй-ларда ширкатлар ташкил этилапти.

Уюшманинг 12 та шаҳар ва туманда бўлимлари очилган. Бирок, улар иш-да муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, Ўрта-чир-чиқ туманидаги бўлимда анча вақтдан буён раис та-йинланмапти. Вилоят уюш-маси туман ҳокимлигига кўп марта мурожаат қилганига қарамай, ҳокимликдан та-йинли жавоб ололмади.

Умуман олганда, ушма-ва ширкатлар фаолиятида қадрлар масаласи катта му-аммо. Кўп ширкатларнинг раислари тасодифий одам-лар. Соҳадан беҳабар киши-ларнинг ширкат раислигига сайланаётгани ажабланарли ҳол. Ахир бундай раҳбардан нима ҳам кутса бўларди? — Вазирлар Маҳмадасининг "Ўй-жой мулкдорлари ширкатининг намунавий у-ставини ҳамда хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкати билан кўп хонадонли ўй-жой тураржойга мўлжаллан-маган бино мулкдорлари ўртасидаги намунавий шартномани тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига асо-сан, — дейди вилоят ўй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раиси вазифаси-ни бажарувчи Жуманиёв Ра-ҳимов, — ширкатларнинг ишини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижо-рат банклари имтиёзли кре-дитлар беришлари керак. Лекин шу кунгача бирорта банкдан бундай кредит олишнинг имкони бўлмади.

Ушма тизимида қатор муаммолар бўлишига қара-май, ўз вазифасини оғиш-май бажаришга ҳаракат қилмоқда. Чунончи, жиҳдий тайёргарлик қўрилгани боис 2009-2010 йиллар куз-қиш мавсуми аввалиги йилларга нисбатан яхши ўтди. Уюш-манинг иқтисодий тармоқ-ларини 2009-2010 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашни таъминлашга қаратилган чора-tadbирлар

Чунки банк кредит бериш учун гаров талаб этади. Ширкатларимизда эса га-ровга қўйишга арзигулик нарсаси йўқ. Бу масала ху-су-сида ўйлаб кўриш керак, албатта.

Ширкатлар билан комму-нал хизмат ташкилотлари ўртасида ҳам чигалликлар бор. "Ўзкоммунхизмат" агентлигининг "Хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкати ва коммунал хизмат кўрса-тувчилар ўртасида мулк бўлиниш чегаралари ҳамда муҳандислик коммуникация-ларини сақлаш учун жавоб-гарлик тўғрисида"ги Низо-мида икки ташкилот ўртаси-да тегишли бўлиниш чеге-ралари аниқ ва равшан кўрсатиб ўтилган. Лекин бундан коммунал хизмат кўрсатувчи корхона ва та-шкилотлар беҳабар чоғи. Ма-салан, "Иссиқлик манбаи" корхонаси иссиқ суви кўп қаватли ўйнинг ертўласига-ча келтириб бермоқда. Ле-кин корхона ўйларга иссиқ сув ва иссиқликни чиқариб берадиган элеваторини шир-катнинг бўйига осонгина илиб қўйяпти. Яъни, корхо-на охиригача бажариши керак бўлган вазифасини ўзидан соқит қилаётди. Ас-лида элеваторни таъмир-лаш учун ширкатда ҳеч қан-дай рухсат ҳам, маалаки му-тахассис ҳам йўқ. "Ис-сиқлик манбаи" корхонаси му-тахассислари элеваторни назорат қилиш ва таъмир-лаш керак. Шунинг орка-сидан қўлгина моҳирлар келиб чиқмоқда. Пулни эса истеъмолчилардан жарақла-тиб олишяпти. Энг ёмони, киш-қировли кунларда ке-ракли иссиқлик етказиб бе-рилмаётганлиги сабабли аҳоли жабр кўрмоқда.

Электр таъминотида ҳам шундай муаммолар бор. Электр идорасидагилар "бизнинг ишимиз электр энергиясини электр қутиси-гача етказиб беришдан иборат, у ёғига ширкат жавоб берсин", қабилида иш-тутишди. Ширкатдагилар 380 вольт қучланишда ток келиб турган қутини очиб, таъмирлаш уларнинг иши эмаслигини қатъа тўшунти-ришмасин, электр идораси-дагиларнинг парвойи-фалак. Ушма тизимида қатор муаммолар бўлишига қара-май, ўз вазифасини оғиш-май бажаришга ҳаракат қилмоқда. Чунончи, жиҳдий тайёргарлик қўрилгани боис 2009-2010 йиллар куз-қиш мавсуми аввалиги йилларга нисбатан яхши ўтди. Уюш-манинг иқтисодий тармоқ-ларини 2009-2010 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашни таъминлашга қаратилган чора-tadbирлар

— Ҳозирги кунда барча соҳада бўлгани каби биз-нинг соҳада ҳам ишнинг бориши моддий томонга кўп жиҳатдан боғлиқ, — деди пировардида Ж. Ра-ҳимов. — Шу боис масъул идора ва ташкилотлар ҳам-корлигида уюшмаларнинг моддий базасини кайта кўриб чиқиш зарур, деб ўйлайман. Бундан ташқари, хусусий ўй-жой мулкдор-лари ширкатлари ва уларнинг уюшмалари, бошқарув се-рвизи ташкилотлари учун солиқ имтиёзлари муддати-ни ўзайтириш масаласи кўриб чиқилса, уларнинг ишини янада тақомилла-штиришга қўшимча имкон яратилган бўларди.

Хуршида ТУРСУНБЕКОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

НИГОХ

БИЗНЕС, ИНҚИРОЗ, ЗАҲАРЛИ ГАЗ

ёхуд Тожикистон алюмин заводида юзага келган вазият хусусида

Стратегия аҳамиятга молик То-жикистон алюмин заводи мамлакат раҳбарларининг оилавий бюджетини тўлдириб турадиган манбага ай-ланган. Завод бошқарувчилари ва корхонанинг молиявий масалалари-га мутасаддилар фақат "оила"га яқинлар орасидан, албатта, қайси уруғ-аймоққа мансуб эканлигига қараб, танлаб олинади. Бундан таш-қари, заводдаги раҳбарлик курси-лари унда ўтирганларга кейинчалик содиқлиги ва ишончини оқлагани учун мукофот сифатида ҳукумат тарки-бига ўтиш имконини беради.

Шу билан бирга кейинги вақтда "Талко" давлат корхонасида, яъни алюмин заводида иқтисодий ахвол ноқулобчи бораётгани кузатишмоқ-да. Бу экспортдан келаётган даро-маднинг тобора камайиб кетаётга-ни билан боғлиқ, албатта. Завод-даги ички инқироз, бошқача айтган-да, оммовий талон-тороқлик, пул маблағларини ноқонуний ўзлашти-риб олиш, иш ҳақи, газ ва электр қувватидан катта қарздорлик мах-сулотни муваффақиятли реализация қилиш учун шундоқ ҳам оғир бўлиб турган ташқи муҳитни янада мурак-каблаштириб юбормоқда. Якин-ат-рофдаги кенг ҳудудда яшовчи аҳолига ўлим хавфини солаётган экологик оғир ахвол "Талко" тева-рагидagi вазиятни баттар мушкул-лаштирмоқда.

Юқоридagi ҳолатлар корхонанинг

хом ашё, жумладан, кокс, табиий газ ва электр қуввати етказиб беришчи-лар олдида қарз бўлиб қолишига олиб келди. Қолаверса, корхона хо-лдинларнинг иш ҳақларини ҳам вақ-тида беролмаяпти. Шу муносабат билан завод раҳбарлари республи-ка ҳукумати олдида ишлаб чиқариш-нинг вақтинча тўхтаб туриш масала-сини қўйди. Уларнинг фикрича, бу дебиторлик қарзларини қайтари-риш имконини беради. Лекин, бу таклиф Имомали Раҳмонга ёқмади ва уни қувватламади. "Заводнинг тўхташи республикадаги аҳолини янада қўрқулаштириб юборди", де-ган баҳонани ўйлаб топди у.

Ҳозирги вақтда "Талко"нинг мах-сулотлари, асосан, Лондон биржа-сида сотилаяпти. Эрон, Туркия, Нор-вегия унинг асосий харидорлари ҳисобланади. Бирок, Тожикистон раҳбарига яқин бўлган айримлар шайхсий бойлик орттириш мақсади-да завод махсулотини Хитой, Тур-кия ва Эроннинг хусусий фирмала-рига сотишяпти. Жумладан, катта туркумдаги алюминий ёз ва қуз кезлари юк автомашиналарида То-ғли Бадахшонга келтирилади ва у ердан Хитойга ошириб юборилади.

Корхона раҳбари алмашгач, "Тал-ко"нинг ҳисоб рақами Х. Асадулла-зованинг ташаббуси билан унинг назорати остидаги "Ориенбанк"га ўтказилди. Бу эса, унга завод маб-лағларини ўзи хоҳлаганча тасарруф

этиш имконини берди. Бундан таш-қари "Талко"нинг "қўлоб" ва "данга-ра" уруғ-аймоқларига мансуб раҳбар ҳодимлари пул маблағларини ноқо-нуний ўзлаштиришга қаноат қилмай, завод махсулотни, четдан келтири-лган хом ашё (кокс) ва қурилиш ашёларини ўғирламоқдалар.

Яқинда экспортлар даврасида хабар тарқалди. Мамлакат прези-денти "Талко"нинг молиявий ишлар бўйича директори Шерали Кабиров номзодини бош вазир лавозимига мўлжаллаётган экан. Кабиров шу билан машғурки, у алюмин заводи-ни Ansol (Авас Назаров) ва РУСАЛ (Олек Дерипаска) компаниялари даъволаридан ҳимоя қила олди. Дарвоқе, уни президент қайнағаси Х. Асадуллозованинг энг яқин ода-ми, дейишди.

Иш ҳақи масаласи ҳам ўткир муаммага айланаётти. Икки минг-дан зиёд ишчи "штат қисқариши" баҳонасида бўшатишди. Яна 500 ҳодим ўз ҳисобидан таътилга чиқа-рилди. Ўртача иш ҳақи 250-300 доллар бўлгани ҳолда, у ҳам бир неча ойдан бери тўланмапти. Ахвол шундай бўлгани учун қўллаб юқори малакали мутахассислар ўз омад-ларини хорижда синиб кўриш учун ишдан бўшаб кетишяпти.

Боз устига шу йилнинг январда корхона маъмурияти хар бир ҳодим-нинг иш ҳақи фондидан 60 сомо-ний (14 доллар)гача ушлаб қолиб,

Роғун ГЭСи ҳисоб рақамига ўтқа-зиш ҳақида фармойиш берди. Шу мақсад учун бу йил ойлик иш ҳақидан 40 фоизгача ушлаб қоли-нади. Бундан ташқари хар бир ишчи йил чоракларда Роғуннинг камида 300 сомонийлик акциясини сотиб олишга мажбур.

Алюмин заводининг экологик вазиятга ҳаттарли даражада таҳдид солаётгани, айнисика, қимматга ту-шапти. Тозалаш ишнотлари охи-рги марта 2004 йилда таъмирланган эди. Ушанда ҳам ҳаракатдаги 10 та корпусдан фақат биттасидаги фил-тер алмаштирилган эди, холос. Орадан бир йил ўтиб, "Талко" ва "Русал" (Россия) тозалаш тизими-ни модернизациялаш тўғрисида битим имзолади. Лекин, афсуски, у қорозда қолиб кетди. Ҳозир 15 та тозалаш корпусидан фақат 8 таси ишлаяпти. Аммо уларнинг қўли қа-питал таъмирга мўлжал. Оқибатда корхона ҳавога андозларда белги-ланган меъёрдан 200 баравар кўп (1) зарарли модда чиқармоқда. Ҳад-дан ташқари кўп тўпнали қолган металл чиқиндилари ҳам чучук сув ва ҳудуд турпоғини бўлмамоқда.

Юқорида таъкидланганидек, "Талко" етказётган тузатиб бўлмас экологик талафот маҳаллий аҳоли-га ўлим хавфини солмоқда. Фақат кейинги уч ой ичда "Талко"нинг саратонга қалинган тўрт ишчиси ҳаётдан бевақт кўз юмди. Маъмур-

лар эса, ҳудудда саратон, суяк сили ва турли бронхит астма ҳасталик-ларига қалинганлар йил сайин кўпайиб бораётганини кўриб-кўрма-ганга олаятдилар.

Душанбе шаҳридаги онкология шифохонасидаги асосий беморлар Регар тумани фуқаролари. Суяк си-лини даволашга ихтисослашган ши-фохоналар хусусида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Энг ачинарлиси шун-даки, беморларнинг мўлажа ҳақини тўлашга қурбилари етмайди. Давлат етарли маблағ ажратмаётгани саба-би шифохоналар беморларни беғул даволал олмайди.

Заводда иш ташлаш оддий ҳол бўлиб қолди. Аммо, маъмурият пи-нак бузмаяпти. Республика ҳукума-ти эса, заводдан фақат молиявий фойда олиш дардида. "Талко"дан келаётган маблағлар эса, юқорида айтилган "Ориенбанк" орқали Имомали Раҳмон оиласининг йирик тижорат "тил бириктириш"ларига йўналтириляпти.

Хулоса қилиб айтганда, корруп-циянинг оммовий тус олиши, эко-логик вазиятнинг ёмонлашуви, иш-чиларнинг ва умуман, корхонанинг ижтимоий-иқтисодий ноқулобчили-ги "Талко"нинг бугунги ахволини ақо-лак эттириб турибди. Шундай да-вома этакверса, бунинг охири-оқибати ҳақида бирор нарсаси деийш қийин.

Абдували АЮБЗОДА.

Geokz.tv.

Бўстонлик туман хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар бўлими, тиббиёт бirlашмаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлиги-ни мустақамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол ав-лодни вояга етказиш бо-расидаги ишларни янада қучайтириш ва самарадор-лигини ошириш чора-tadbирлари дастури тўғриси-да"ги қарорини тарғиб қилиш, аҳоли ўртасида маънавий муҳитни соғлом-лаштириш, эрта ва қарин-дош-уруғлар ўртасидаги никоҳ, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртаси-да жиноятчилик ва диний ақидабарастликнинг олди-ни олиш масалаларига бағишланган давра суҳба-ти ўтказилди. Унда маҳал-ла фаоллари, Чорбоғ энер-гетика коллежи талабалари иштирок этди. Tadbir-га йўлчиларлар ўзларини қизиктирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Сайёра ЭШМАТОВА.

ЎН САВОЛГА ЎЗ ЖАВОБ

Бўстонлик туман хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар бўлими, тиббиёт бirlашмаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлиги-ни мустақамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол ав-лодни вояга етказиш бо-расидаги ишларни янада қучайтириш ва самарадор-лигини ошириш чора-tadbирлари дастури тўғриси-да"ги қарорини тарғиб қилиш, аҳоли ўртасида маънавий муҳитни соғлом-лаштириш, эрта ва қарин-дош-уруғлар ўртасидаги никоҳ, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртаси-да жиноятчилик ва диний ақидабарастликнинг олди-ни олиш масалаларига бағишланган давра суҳба-ти ўтказилди. Унда маҳал-ла фаоллари, Чорбоғ энер-гетика коллежи тала

ХОТИРА АБАДИЙ, КАДР МУҚАДДАС

БАРҲАЁТ
ОЛИМ

Ўзбекистоннинг фидойи фарзанди – иқтисод фанлари доктори Раҳмонқул Каримов мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиёти муносабатларини қарор топтиришга салмоқли ҳисса қўшган олим сифатида замонашлар қалбида узоқ йиллар яшайди.

Бекобод шаҳрида туғилиб ўсган бўлажак олим болаликдан математика фанини алоҳида ихлос билан ўрганди.

– Раҳмонқул ака синфдоши Носир билан математика масалаларида кўп баҳслашарди, – дея эслайди ўша йиллари бу икки синфдош билан бир мактабда ўқиган “Ўзметкомбинат” акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош механиги ўринбосари Турдиали Жўрабеков. – Кейинчалик ҳар иккаласи ҳам етук олим бўлиб етишди.

Албатта, таникли иқтисодчи бўлиб етишиш осон кечгани йўқ. Раҳмонқул Каримов Тошкент Давлат университетининг иқтисодий факультетини тугатган, 1992 йилгача Ўзбекистон Фанлар Академияси Иқтисодиёт институтининг кенгайтирилган бўлими бўлиб ишлагани, бўлими мудири, директор ўринбосари лавозимларида ишлади. Ўша йиллари қизғин илмий иш билан шуғулланиб, номзодлик, докторлик диссертацияларини ёқди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Япония, Жанубий Корея, Германия, Австрия, Хитой Халқ Республикаси, Туркия каби мамлакатларда бўлиб, иқтисодий ривожланишнинг бозор муносабатлари тажрибаси билан танишди. Шу асосда

мамлакатимизда ўтиш даврининг аниқ ва амалий тамойиллари ишлаб чиқилишига муайян ҳисса қўшди.

Мухим давлат хизматларида катта малака ҳосил қилган ва амалий тажриба орттирган Раҳмонқул Каримов 1997 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси макроекономикаси бўлими директори вазифасида ишлаб, мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнларида фаол қатнашди. Етук иқтисодчи олим сифатида кишлоқда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, кишлоқ хўжалигини ислох қилиш, унинг экспорт имкониятларини кенгайтиришга доир илмий асосланган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшди.

Олимнинг дўстлари, шогирдлари Бекобод шаҳрининг “Ўзбекистон” маҳалласига бот-бот йўғилиб туришарди. Раҳмонқул Каримовнинг ибратли ишлари ҳақидаги ҳикоялар янги авлод фўн ўзига ҳос сабоқ бўлиб қолаверарди.

Тўхтатисо
ЖўРАБЕКОВА.

ШУКРОНА

Вилоятимизнинг гўзал табияти, софдал, меҳнаткаш инсонлари билан ўзига жалб этадиган сўлим масканлари бисёр. Уларга рўбарў келганда орадаги узоқ масофа, ўйим-чўқур, тошлоқ йўللаридаги ҳорғинлик ҳам зумда тарқаб кетади. Тоғлиқлар билан бўлган самимий мулоқотлар сизга руҳий тетикалик, фикрий тиниқлик бағишлайди. Бир чимдим меҳр қанча-қанча дилларга рўшнолик бахш этади. “Меҳр кўзда” деганлари шу аслида.

Юртбошимиз маънавият сарчашмалари ҳақида сўз юритганда кўпроқ мулоқот, дийдорлашув, кўнгилли учрашувлар – эзгу амаллар, боқий қадриятларнинг қайта тикланиши, хайрли тадбирларнинг амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаган эдилар. Бу борада давлат ва жамоатчилик ўртасида бир кўприк вазифасини ўтайдиган депутатлар фаолиятининг ўрни алоҳида. Шу маънода халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, шоира Зарифа Эргалиева билан ўшанинг асосида тузилган иш режасининг бир кунли, бир тадбири ҳақида сўзлаш мақсада мувофиқ. Эеро, таъкидлаганимиз, вилоятимизнинг чекка кишлоқларидан бири, Ангрэн шаҳри яқинидаги Нишбошда ўтказилган учрашув қанча-қанча дилларга эзгулик нурини олиб кирган бўлса не ажаб.

Буни учрашувда иштирок этган барча нишбошлиқлар, хусусан, 30-умумтаълим мактабининг тиниб-тинчимас ўқитувчилари, фойрат-шижоатли ўқувчи ёшларининг ёниқ чечралари, чакноқ нигоҳларидан пайқаш қийин эмас. Она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Мавлуда Ўринбоева тайёрлаган ажойиб концерт дастури, Сурайё Каримбоева, Шоҳруҳ Абдурахмонов каби истеъдодли ёшларнинг чиқишлари меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Беғуборлик, самимият уфуриб турган меҳнатсевар, оққўнли кишлоқ аҳлининг юрт тинчилиги, халқ саодати ҳақидаги дил изорларини эшитиб қалбимизда шукронали туйғуларини янада жўш уради.

– Кишлоғимизда 2000

“Эл дарди қаритмайди”, деган нақл бор халқимизда. Қибрай туманида истиқомат қилувчи Тобио ота Тўраев ҳам бутун умр эл-юрт хизматида бўлиб, одамлар ораси-

ҲАМОН ЮРТ ХИЗМАТИДА

Тобио ота қайси соҳа ва қандай лавозимда ишлагани, ишнинг ҳадисини олишга интилиди. Деҳқон оиласида туғилиб-ўсгани унинг бутун ҳаёт йўлини белгилаб берди, десак муболаға бўлмайди. У эрта пишиб етиладиган, мўл ҳосил берадиган мева ва сабзавот навларини яратиб, пахтачиликни ривожлантириш масалаларида алоҳида эътибор қаратди. 1962-1967 йилларда Тошкент кишлоқ хўжалик институтининг, кейинчалик аспирантурада ўқиб юрган кезлариёқ соҳани тақомиллаштиришга доир 50 дан ортқ илмий мақола ва таъсияларини газета-журналларда чоп эттирди. Кейинчалик, 1974 йилда

“Кўчат қалинлиги, ҳар хил схемада жойлаштириш ва сув режимларини пахта структураси ва ҳосилдорлигига таъсири” мавзусида диссертация хисми қилиб, кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди илмий даражасини олди.

Тобио Тўраев умр йўлининг яна бир қирраси маҳалла иши билан боғлиқ. У Қибрай шаҳарчасидаги Фуркат маҳалласи оқсоқоли бўлган 1999-2006 йиллар эслашга арзигулик. Шу даврда маҳаллада бирорта жиноят содир бўлмади, бирорта оила бузилмади. Натижада маҳалла 2001 йилда республикада “Энг обод маҳалла” қуриқ-танловининг ғолиби бўлди.

Тобио ота 2006 йилдан

да сочи оқарган фидойи инсонлардан. Тобио ота яқинда етмиш баҳорни қаршилаган бўлсада, ҳали жуда тетик, ўзи каби кексаларга бош-қош.

буён “Нуроний” жамғармаси Қибрай тумани бўлимининг раиси лавозимда ишлаб келмоқда. У тажрибали мутахассис сифатида ишни тўғри йўлга қўя олди. Фахрийларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, фаровон ва мазмунли ҳаёт кечиришлари, кексалик гаштини суришлари учун тинимсиз қайғуради. Жамғарма туман бўлимининг ўзини ўзи маблағ билан таъминлашни кўзлаб, бўлим қошида унитар корхоналар очди.

– Жамғармамиз 20 мингга яқин фахрийни бирлаштириб турибди, – дейди Тобио ота. – Улардан 120 киши уруш қатнашчилари, 2000 га яқини уруш ортда меҳнат қилганлар бўлиб, ҳар бирининг ҳолидан ҳа-

бар олиб туришга ҳаракат қиламиз.

Ҳаёт водийсининг етмишинчи қирдан ошганига қарамай ҳамон ишчан. Кўп вақтини халқ орасида, ёшлар давраларида ўтказди. Уларни тарбиялаш, тўғри йўлга бошлаш мақсадида суҳбатлар уюштилади. Жамоатчилик ишларини йўлга қўйишда масолаҳат ва кучини аямайди.

Тобио ота одамийлик хислатлари, доим бошқалар дардида қуйиб-пишиб юриши туфайли нафақат ўзи истиқомат қилаётган маҳалла, балки туман аҳолиси ўртасида ҳам ҳурмат-эътибор қозонди. Энг асосийси – у ҳамон бардам, ҳамон халқ хизматиди.

Абдулла ФАЙЗИЕВ.

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАР ЭКАН

Бекободлик Эгамназар Хотамовни нафақат туманда, балки вилоятда кўпчилик танир ва ҳурмат қилар эди. У ҳаюл меҳнати, эл равақи ва юрт ободлиги йўлидаги фидокорона меҳнати билан обрў топи, ўзидан яхши ном қолдирди.



“Хотира уйғонса, гўзалдир”, деган нақл бежиз айтилмаган. Эгамназар акани хотирлар эканман, у кишининг қатъиятли нигоҳлари, айни пайтда меҳрибон, мулоийм чехраси кўз олдимда намён бўлаверарди. Асл касби педагог Эгамназар Хотамовдаги чуқур билим, ўткир мушоҳада, самимият, ижодкорлик туман газетасига муҳаррирлик қилишида кўл келди. Аммо, билимдон, ўзига ҳам, атрофдагиларга ҳам талабчан, қатъий интизомли раҳбар ҳамма

соҳада ҳам зарур. Ўша пайтда энг қолоқ ҳисобланган хўжаликни кўтариш учун юмшоқ қурсидан иҳтиёрий воз кечганлигининг гувоҳи бўлганлар бор. Шу хўжаликни олти йилда нафақат оёққа тургазган, балки пешқадамлар сафига олиб чиққан Э. Хотамов ўзи туғилиб ўсган Бекобод туманига биринчи раҳбар этиб тайинланди. Ҳозирги кунда яшаб турган серҳосил мевозорлар, барча қулайликларга эга туман марказий шифокораси, маданият уйи, “Ёшлик” савдо маркази ва бошқа қатор хизмат кўрсатиш иншоотлари, таълим муассасалари Эгамназар Хотамов бошчилигида бунёд этилган. Шундай билимдон, фидойи раҳбар билан елкама-елка ишлаш мен учун ҳам катта ҳаёт мактаби бўлган, десам янглишмайман.

Эсимда, бир кун пахта терими айни қизган паллада кечаси соат ўн иккиларгача иш жойидан жилмай ёзган-чизган қозғоларини йиғиштириди-ю, “Мен пахта пунктларига кетдим”, деб чиқиб кетди. Тун ярмида қайтиб келиб, яна ишини давом эттираведди. Кейин билсам, терим суръати охириг кунларда пасайиб қолганлиги учун юқоридан танбех эшитган экан. Шу кун эрталаб ана хўжаликларга чиқиб, теримчилар билан суҳбат уюштириб қайтди. Шундай қилиб, туман вилоятда энг юқори кўрсаткичга эришганлиги ҳамон эсимда. Бу Э. Хотамовнинг бедор турлари, тинимсиз кунлари самараси эди.

Каримқул МАВЛОНОВ.

Шайхонтохур туманидаги Иқтисодиёт келимови томонидан 2009 йилда Боғимиз Шаҳзода Абдулаллиевна номига берилган № 850622 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳридаги ҳозирги 314-мактаб (аввалги Тошкент вилояти, Зангиотта туманидаги Ал-Бухорий номли 10-сонли мактаб) томонидан 1993 йилда Эргашов Шерзод Абдурахмонович номига берилган № 091591 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Частное предприятие “BILLUR BARAKA SAVDO”, зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, Чиланзар, 7-5 (ИНН 301423993),

ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение учредителя от 10 мая 2010 г.).

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: (+99893) 547-39-66.



“Республика Кўчмас мулк биржаси” ЁАЖ бошлангич баҳоси ошириш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

1. Аукцион савдосига тақдоран Бўка тумани СИБ томонидан, 13.07.09й. №11-0919/10505 ва 01.12.08й. №10-0812/13036 ижро ҳужжатларига асосан, Бўка т. “Сағбон” корхонаси биносида сакданаётган қурилишлар қўйилмоқда: 1. “Т-28х4М” русумли, 3/р 532412, 1993 йилда и/ч трактор. Бошлангич баҳоси - 8 153 136 сўм. 2. “ПТС 4-793” русумли, д/р йўқ, 1993 йилда и/ч трактор тиркамаси. Бошлангич баҳоси - 599 471 сўм. 3. “ПТС 4-793” русумли, д/р йўқ, 1996 йилда и/ч трактор тиркамаси. Бошлангич баҳоси - 647 118 сўм. 4. “ПТС 4-793” русумли, д/р йўқ, 1994 йилда и/ч трактор тиркамаси. Бошлангич баҳоси - 808 898 сўм. 5. “ПТС 4-793” русумли, д/р йўқ, 1994 йилда и/ч трактор тиркамаси. Бошлангич баҳоси - 749 339 сўм. 6. “ПТС 4-793” русумли, д/р йўқ, 1995 йилда и/ч трактор тиркамаси. Бошлангич баҳоси - 647 118 сўм.

2. Аукцион савдосига тақдоран Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан, Чирчиқ ш. С. Маршак кўчаси, 7-уй манзилида жойлашган, 2 та иморатдан иборат, умумий қурилган майдони 89,29 кв.м. бўлган тураржой қўйилмоқда (ижро ҳужжати 08.04.08й. №5511). Бошлангич баҳоси - 50 578 200 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 1 июнь кунли соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган техника воситалари ва кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун таъабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун таъабдорлар савдо ташкилотининг билан тузилган закатат келишувга асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам



Дунё мўъжизаларидан бири – Метеора касри.

ФИЛИППИНДА ЯЛПИ
САЙЛОВ БОШЛАНДИ

10 май кунли овоз бериш учун сайлов участкаларига йўл олган фуқаролар мамлакат президенти ҳамда вице-президентини, парламент депутатлари ва яна умуммиллий ва маҳаллий ҳокимият органларидан ўрин эгаллайдиган 17 минг раҳбарни сайлашлари лозим.

AFF агентлигининг маълумотларига қараганда, президент курсига асосий даъвогар сифатида кичик – Бениньо Акино эътироф этилмоқда. Унинг отаси, таникли сиёсатчи катта – Бениньо Акино 1983 йили ўлдирилган эди.

Филиппиннинг собиқ президенти Жозеф Эстрада ва миллионер Мэнни Виллар Акинонинг асосий рақиблири эканлиги таъкидланмоқда.

Мамлакатнинг ҳозирги президенти Глория Арройо сайловларда иштирок этмаяпти.

СУМАТРА СОҲИЛИДА
КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА

Индонезиянинг Суматра ороли соҳилида 7,4 балл куч билан ер силкиниши қайд этилди. Зилзила маркази Банда-Ачех шаҳридан тахминан 220 километр масофада бўлган.

AFF агентлиги зилзила рўй берган ҳудудда цунами бўлиши мумкинлиги ҳақида аҳолининг огоҳлантирилганини маълум қилди. Вайронгарчилик ва қурбонлар ҳақида ҳозирча ҳеч қандай хабар йўқ.

Эслатиб ўтаамиз: Индо-

незияда 2004 йили ҳозирги замон тарихидаги энг кучли зилзила рўй берганди. Ер силкинишлари, даҳшатли цунамилар Жанубий Шарқий мамлакатларнинг 220 мингдан зиёд аҳолисининг умрига завола бўлганди.

БИРИНЧИ АЁЛ ПРЕЗИДЕНТ

Марказий Америкадаги Коста-Рика мамлакатини тарихда биринчи марта аёл бошқарадиган бўлди. El Mundo испан газетаси шу ҳақда хабар қаратади.

Янги президент Лаура Чинчильянинг инаугурация маросимида 10 мингга яқин одам иштирок этди. Колумбия, Мексика, Никарагуа, Эквадор давлатлари раҳбарлари янги президентни табриклаш учун келдилар. Грузия президенти Михаил Саакашвили ҳам тантаналарда қатнашди.

Авалги президент, Нобель мукофоти совриндо-

ри Оскар Ариас Санчес жамоасига кирган Чинчилья Коста-Рика иқтисодиётини юксалтиришга эришган аввалги етакчи йўлини давом эттиришини маълум қилди.

Собиқ вице-президент, мамлакат адлия вазир Лаура Чинчилья Коста-Рика конституцияси талабига мувофиқ мамлакатни 2014 йилгача бошқаради.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТИББИЁТ

ЯНГИЙЎЛЛИК
ШИФОКОРЛАР

Бугунги кунда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида тиббиёт бирлашмалари, стационар ва кишлоқ врачлик пунктларини замонавий тиббиёт асбоб-ускуна ва жиҳозлари билан таъминлаш, шифокорлар малакасини ошириш учун барча имкониятлар ишга солинаётир.

Янгийўл шаҳар тиббиёт бирлашмаси 400 йилли шаҳар ва қўшни тумандан 64 минг фуқарога тиббий хизмат кўрсатди.

– Айни пайтда бирлашмамиз қошида кўп тармоқли ҳамда болалар стоматология поликлиникалари, шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатиш бирлашмаси, жаррохлик, акушерлик, кўз касалликлари сингари қатор бўлимлар фаолият кўрсатмоқда, – дейди бош шифокор Қобил Тожибоев. – Уларда 195 нафар юқори малакали шифокор ва қуйи бўғин ходимлари хизмат қилаяпти.

СУРАТДА: травматолог Саоҳиддин Зиявудинов муолажа пайтида.



Дикҳат! Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг ҳудудий филиаллари бюджет ташкилотлари ҳамда давлат унитар корхоналари мол-мулкларининг оммавий савдоларини ташкил этишини алоҳида маълум қилди.

Оммавий савдолар мулк эгасининг ихтиёрига қўра бевосита жойларга чиқиб ўтказилиши мумкин.

